


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

А. Аҳмедов

Беруний асарларини варақлаб

Абу Райҳон Берунийнинг энг биринчи йирик асари унинг “Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия” деб аталган. Уни “Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар”, деб таржима қилиш мумкин. Лекин асарнинг 1968 йилдаги биринчи нашридан бошланган анъанага кўра, уни қисқача “Осор ал-боқия” деймиз. Асар Берунийга паноҳ бериб, уни моддий қўллаган, Каспий денгизининг жануби- шарқидаги Гургон вилоятининг амири Қобус ибн Вашмгирга бағишланган. Муаллиф уни 1000-йилдан ёза бошлаб, 1003 йил охирида тугатган. У 21 бобдан иборат бўлиб, иккинчи бобида “Қуръон”нинг “Тавба” сураси билан боғлиқ бир муҳим масала кўрилади. Жоҳилият давридаги араблар шамсий ва қамарий йиллар бобида яҳудийлардан ўрганиб, у йиллар кунларини мослаштириш учун 33 кундан иборат *насий* ойини ўз тақвимларига киритганлар. Шунда ҳар уч йилдаги қуёш йили кунлари ва қамарий йиллар кунлари *насий* ойи билан бирга 1095 кунга тенг бўлган. 632 йил январида Муҳаммад алайҳиссалом ҳажга (“видолашув ҳажи”га) катта карвон билан чиққанида *насий* ойи ўтаётган эди ва ўша пайтдаги одатга кўра бу ойда ҳаж қилинмасди. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом кўпчилик ҳамроҳлари ва қурбонликка келтирилган ҳайвонлар билан Макка ташқарисида бир неча кун туриб қолади. Фақат *насий* ўтиб, зу-л-ҳижжа бошланганидагина у ҳаж қилади. Ҳаж вақтида ваҳий келиб, *насий* ойининг ҳаром қилиниши ҳақидаги (Тавба: 37) оят нозил бўлади. Лекин, афсуски, “Қуръон”нинг ўзбекча таржималаридан бирида бу оят мазмуни фақат жангга бағишланган оят тарзида талқин этилган [8: 193].

Асарнинг муҳим бобларидан бири – унинг учинчи боби: “Эраниинг моҳияти ва халқларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари хусусида сўз”дир. Унда тарихий характерга эга бўлган қатор хабарлар келтирилади. Беруний аввал эрага таъриф беради, сўнгра турли халқларга оид эраларни эътироф этиб, бу масала хусусида ихтилофлар мавжудлигини таъкидлайди. Хусусан,

инсоният тарихининг бошланиши ва Одам Ато билан боғлиқ эра “уйдирма гаплар ва афсоналар билан қоришган”лигини айтиб, бунинг сабаби – ўша воқеа ҳақида ишонарли, аниқ китобат бўлмаганлиги, деб кўрсатади. Бунга мисол қилиб Беруний христиан ва яҳудийларнинг маълумотини келтиради: “Одамдан то Искандаргача 3448 йил ўтган, христианларнинг айтишича эса, 5180 йил ўтган” [3: 55]. Сўнгра Беруний яҳудий ва христианларнинг баҳсларига аралашиб, Таврот ва Инжил матнлари ҳақида фикр билдиради. Демак, у “Ёдгорликлар”ни ёзганидан аввалроқ қадимги яҳудий, сурёний ва юнон тилларини билган. Таврот ва Инжилнинг турли матнларини таҳлил қилиб, уларда катта ихтилофлар ва номосликлар борлигини аниқлайди ва: “... демак, на Инжил ва на пайғамбарлар китоблари (яъни Тавротнинг беш китоби) орасида бирорта ҳам ишончлиси йўқ”, деган хулосага келади [3: 55]. Албатта, бу ерда гап одамлар томонидан ўзгартириб ёзилган Инжил ва Таврот нусхалари ҳақида кетяпти.

Бобнинг охирида Беруний Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган Хоразмнинг қадимги йил ҳисобига, тарихига оид қимматли хабарларни келтиради. Унинг айтишича, қадимги хоразмликлар “Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан йил ҳисоблаганлар, бу Искандар (Александр Македонский)дан 980 йил илгари бўлган эди (яъни, 980+312 = мил. авв. 1292 йил). Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан йил ҳисобладилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлигига ўз ҳукмини ўрнатган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин (яъни, 1292–92 = мил. авв. 1200 йил) бўлди” [3: 95]. Демак, Беруний хабарига кўра, Хоразмга биринчи бўлиб мил. авв. 1292 йили турклар жойлашган, кейин мил. авв. 1200 йили эроний гуруҳга кирувчи Сиёвушийлар жойлашишган ва турклар устидан ўз ҳукмини ўрнатишган. Сўнгра Беруний Хоразм тахтига мил. 305 йили ўтирган Сиёвушийлар сулоласига мансуб Хоразмшоҳ Африғнинг (IV аср боши) исмини келтиради. Бу сулола Хоразмда 995 йилгача ҳукм сурган. Олим сулола вакилларининг деярли ҳаммасининг исмларини келтиради [3: 95]. Унинг ўзи шу сулоланиннг охирги вакили, мазкур йили ўлдирилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммадга хизмат қилган.

Берунийнинг Африғий хоразмшоҳлар ҳақидаги хабари XX асрда тадқиқотларга сабаб бўлди. Бу тадқиқотлар натижасида мил. авв. 10 ёки 20-йилдан Хоразмни икки сулола бошқарганлиги ва Африғийлар уларнинг иккинчиси эканлиги, ҳамда булар Хоразмни милодий 305–995 йилларда бошқарганлиги аниқланди [6: 5–16; 4: 80–81]. Ҳозирги кунда “Осор ал-боқия”нинг янги тузатилган ва тўла изоҳланган варианти нашрга топширилган.

Олимнинг иккинчи йирик асари унинг 1965 йили нашр этилган “Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” бўлиб, у қисқача “Ҳиндистон” номи билан машҳур.

Асар 80 бобдан иборат бўлиб, фан тарихида Ҳиндистоннинг аҳолиси, табиати, динлари, илмлари, урф-одатлари ва умуман, ҳиндлар мавзусига бағишланган биринчи асардир. Олим ўз асарида бу масалаларга илмий нуқтаи назардан ёндошиб, ҳар бир мавзуни охиригача ҳал қилишга уринган.

Беруний ҳиндлар ҳаёти ёки маънавиятининг қайси тарафига ёндошмасин, энг аввало, уни мусулмон маданияти, одати, дини ва умуман мусулмон ўқувчига яхши таниш бўлган нарса билан солиштириши керак бўлган.

Беруний ҳинд математикаси ва астрономияси муносабати билан шу соҳада ундан олдин фаолият олиб борган еттита мусулмон олимлари: ал-Фазорий (ваф. тахм. 777), Яъқуб ибн Торик (ваф. тахм. 796), Муҳаммад ал-Хоразмий (780–850), Абулҳасан ал-Аҳвазий, ал-Киндий (801–873), Абу Маъшар ал-Балхий (787–886), ал-Жайҳоний номларини эслайди. Шуниси диққатга сазоворки, Беруний мазкур асарининг 31-боби охирида бошқа бирон китобда келтирилмаган кобуллик турк астрономи Абу Аҳмад ибн Чатлағтегиннинг номини келтиради ва у Карли ҳамда Танешар шаҳарлари кенгламаларини ва бу икки шаҳар орасидаги масофани ҳам ўлчаб топганини айтади [1: 172]. Шубҳасиз, бу олим ғазнавийлар саройида Беруний каби илмий фаолият олиб борган.

Берунийнинг ҳинд тафаккурини солиштириш учун жалб қилган юнон олимлари ва уларнинг маълумотларидан фойдаланган асарларининг сони анча катта. Э. Захау Беруний юнон ва сурёний тилларини билмаган ва фақат арабча таржималардан фойдаланган, деб қатъий айтган эди. Лекин европалик олимлар М. Мейерхоф, Ф. Кренковларнинг олимнинг янги топилган асарларининг тадқиқотлари, шунингдек, бизнинг “Осор ал-боқия” устида олиб борган шахсий тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Беруний нафақат мазкур икки тилни, балки қадимги яҳудий тилини ҳам мукаммал билган. И.Ю. Крачковский бу фикрни янги материаллар ва қўшимча мулоҳазалари билан маъқуллаган [5: 586–587]. У келтирган иқтибослардан кўринадики, Беруний юнон олимлари асарларининг асл нусхасидан фойдаланган, лекин уларнинг сифати ҳар хил бўлган, баъзиларини унинг ўзи таржима қилган. У “Ҳиндистон”да бир қанча юнон муаллифлари ва уларнинг асарларидан фойдаланган. Гомернинг “Илиада”, “Одиссея”, Платоннинг “Федон”, “Тимей”, “Қонунлар” (унда Гиппократнинг шажараси келтирилган), Проклнинг “Тимей”и, Аристотелнинг “Физика”, “Метафизика”, “Александрга мактуб”, Иоанн Грамматикнинг “Проклни рад этиш”, афродисийлик Александрнинг Аристотел “Табиий эшитиш”ига

шарҳи, Порфирийнинг “Энг машҳур файласуфларнинг дунёқарашлари китоби”, Аратнинг “Ҳодисалар” шарҳлари, Галеннинг “Санъатларни ўрганишга ундаш”, “Нутқлар китоби”, “Катта гене”, “Гиппократнинг афоризмларига шарҳлар”, “Ҳайвонлар ҳақида”, “Исботлар ҳақида”, Птоломейнинг “Алмажистий”, “География”, “Китоб ал-маншурот”, Псевдо-Каллисфеннинг “Александр ҳақида роман”, Дионисий Фракияликнинг “Грамматика санъатига схолия” (бу қисман Иоанн Малаланинг асарини ва қисман Евсевийнинг “Хроникони”ни эслатувчи синхронистик тарихий асар) кабилар шулар жумласидандир [1: 37]

Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида бошқа миллатлар ва динларга оид маълумотлар мавжуд, хусусан, славянлар, тибетликлар ва хазарлар ҳақида шимол дарёларининг улар юртларидан ўтиши муносабати билан эслатади [1: 128–129]. Славянлардаги дафн маросимида марҳум жасадини ёндирилиши ҳақида ҳам ёзади [1: 283]. Бу воқеани Беруний “бизнинг замонда”, деб эслатади. Агар “Ҳиндистон”ни XI аср иккинчи чорагининг бошларида ёзилганини эътиборга олсак, шарқий славянлар, яъни қадимги русларнинг дафн маросимлари 1030-йиллар атрофларида юқорида зикр этилгани каби ўтказилган, деган хулоса келиб чиқади. Лекин Киев князи Владимир ўз яқинлари билан 980 йили христианликни қабул қилган, бундан эса, Беруний даврида ҳам шарқий славянларда христианлик кенг тарқалмагани маълум бўлади.

“Ҳиндистон”да Кобул ҳокими Бархатекин Тибет турки эканлиги эслатилади [1: 20]. Туркlар ҳақидаги хабарларда эса қуйидагича хабарлар келтирилади: Самонийлар даврида Ғазнада туркlар ҳокимиятни қўлга олдилар [1: 11], мамлакатнинг шимолий қисми ва Кашмирдан шарқдаги баъзи ерлар Хотан ва Тибет туркларига тегишли [1: 107], улар оқимтир ва эчкисоқол [1: 126]; Кобулнинг ҳокими, Тибетлик турк Бархатекин қисқа, олди очиқ кўйлак, баланд қалпоқ ва этикдан иборат туркча кийим ва қуроли билан [юради] [1: 359]. Ўғуз туркlари чўкиб ўлган мурдаини тобутда дарёга соладилар ва унинг оёғига арқонни шундоғ боғлайдиларки, унинг учи сувга тушиб туради, уларнинг эътиқоди кўра, шу арқон ёрдамида марҳумнинг жони қайта тирилиши учун кўтарилади [1: 283].

Муаллиф китобида методологик қоидаларига узлуксиз амал қилади. Ўз фикрларини танқидий танланган ва текширилган материал асосида бетараф ҳолда баён этади. Маълумот манбаини эслабгина қолмай, унинг аниқлиги ва ишончлилигига ўз баҳосини беради ва иккиланиб ўтирмасдан, тўпланган маълумотларни у ёки бу масала бўйича етарли эмаслигини тан олади, бироқ шундай бўлса-да, шу масалани ўзидаги хабар асосида ёритишни маъқул топганини айтади.

Берунийнинг ушбу асари ўрта асарлар дунёсида Ҳиндистон ҳақида ёзилган энг нодир ва дурдона ёзма манба бўлиб, у ўша давр Ҳиндистон халқларининг илм-фани, урф-одатлари, динлари ҳақида чуқур хабардорлик ва нозик дид билан ёзилган юксак аниқликдаги асар ҳамдир. Берунийнинг мазкур китобда келтирган тарихий, фалсафий, этнографик ва географик маълумотлар, унинг Ҳиндистон ҳаётининг барча соҳаларига берган объектив баҳолари шу кунгача ўз кучини йўқотган эмас ва улар ишончлидир. Шу билан бирга, Беруний "Ҳиндистон"и унинг асл ватани Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг қўшни ерларида ҳам фаннинг юксак даражада бўлганлигидан ва бу ерларнинг Ҳиндистон билан маданий алоқалари нақадар узвий бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Олимнинг муҳим асарларидан яна бири унинг "Геодезия" бўлиб, уни 1025 йилнинг 20 октябрида Ғазнада ёзиб тугатган. Асарнинг тўлиқ арабча номи "Таҳдиди ниҳаят ал-амакин ли-тасҳиҳ масафат ал-масакин", яъни "Турар жойлар [орасидаги] масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш". Лекин XX асрдан унда кўтарилган масалалар моҳиятига қараб, асар қисқача "Геодезия" деб атала бошланди [3].

Беруний "Геодезия"си бошқа йирик асарлари каби боблар ва қисмларга ажратилган эмас. Лекин ундаги масалаларнинг характери ва мазмунига кўра, шартли равишда муқаддима, бешта назарий бўлим ва олтинчи – амалий масалалар бўлимидан иборат деб қараш мумкин.

Асарда Беруний муқаддимаси муҳимдир. Бунда Беруний олам тузилиши, Ернинг геологик тарихи, илмларнинг пайдо бўлиши, қитъалар кўчишига оид илмий-фалсафий мулоҳазаларини келтириш билан бирга, асарни ёзишдан асл мақсади нима эканлигини ҳам айтиб ўтган. Беруний ўз дунёқарашини асар муқаддимасидаги олам яратилиши ҳақидаги мулоҳазаларида аниқ намоён қилган. У олам яратилиши масаласида ўрта асрлардаги кўпгина йирик мутафаккирларнинг фикрини тан олган бўлишига қарамай [2: 80], физик дунёнинг кўп ҳодисаларини талқин қилишда уларга рационал ёндашган. Чунончи, замон хусусида давр тақозоси билан, "тугайдиган ва пайдо бўладиганлиги келиб чиқади" [2: 80], деган концепцияни айтса ҳам, замонанинг давомийлиги масаласида эса "Аммо [замоннинг] ҳақиқий бўлакларини, яъни ўтмиш йиллар, ойлар ва кунларни, уларнинг миқдор-саноқларини билишга келсак, у ҳолда оқиллар уларни бирор усулдаги қиёс билан билишларининг имконияти йўқ" [2: 80], деб рационалистик тенденцияларни олға суради. Унинг бу ҳақда қуйидаги фикрлари янада изчил позициядан айтилган: "Замоннинг бошланиши ва олам яратилиши биз фараз қилган бирор лаҳзадан бирор муддат олдин келган бўлиши мумкин" [2: 32]. Оламнинг яратилиш вақти, демак,

ҳоҳлаганча узоқ муддат илгарига, Беруний буни очиқ айтмаган бўлса-да, ҳатто чексизликка ҳам сурилиши мумкин [2: 32].

Беруний оламнинг бир ҳафтада яратилганлиги ҳақидаги диний ақидани тан олса ҳам, масалага рационал ёндашиб, бу ҳафтанинг кунлари бир неча ўн минг йиллардан иборатлигини "Қуръон"дан олинган оятлар билан кўрсатмоқчи бўлади [2: 41]. Сўнгра олим: "Демак бундан кўринадики, у муддат биз ҳозир ўлчайдиган ўлчам билан аниқланмайди ва демак, уни яратилиш ибтидосини аниқлаш йўли йўқ" [2: 41], деб ўқувчини "ўша ҳафта кунлари ниҳоят катта рақамдаги йиллар бўлиши мумкин", деган хулосага олиб келади. Бундан кўринадики, Беруний замон ва макон масаласига қарашда исломий позицияда турган ва уни чуқур илмий талқин қилишда рационализм тенденциясида бўлган.

Албатта, Беруний дунёқарашида ўзига хос зиддиятлар ҳам мавжуд. Лекин улар яхлитликда, тирик бир тана сифатида қаралиши лозим. Беруний дунёқарашида шу нарса аниқ кўриндики, у ўз замонидаги илмий ютуқлар нуқтаи назаридан исботлаб бўладиган масалаларга изчил рационалистик ёндашади, исботлаб бўлмайдиган масалаларни баён қилишда эса идеализм позициясида қолади. Биз юқорида кўрган олам яратилиши ҳақидаги масалаларда Беруний билан шундай ҳол юз берган. Шунинг учун ҳам Беруний олам яратилганлигини тан олса-да, Ердаги геологик жараёнлар ва тектоник ҳодисаларни талқин қилишда табиатшунос олим сифатида гавдаланади. Унинг мана бу сўзлари шу фикрнинг далили бўлади: "Биз [олам яратилиши] ҳолати ҳақида фақат қараб кузатиладиган, ҳосил бўлиши учун икки тарафдан чегараланган бўлса ҳам, лекин катта муддат керак бўлган қадимги [жараёнларнинг] изларидангина биламиз. Масалан, тошга айланган лой ва қум билан боғланган ва текис, рангли тошлардан таркиб бўлган баланд тоғлар [ўша излардандир]. Агар кимда-ким бу масала ҳақида чуқур ўйласа ва унга тўғри йўл топса, кўрадики, бу тош парчалари ва шағаллар – аслида тошлар бўлиб, тоғларнинг ёрилиши ва [қояларнинг] урилишидаги парчаларининг натижасидир" [2: 32]. Бу ҳодисаларнинг ҳаммасига, албатта, миқдорини билиб бўлмайдиган узоқ замонлар зарур бўлган ва улар сифати маълум ўзгаришлар остида юз берган.

Беруний илмларнинг келиб чиқиши ва уларнинг вазифаси масаласида бутунлай илмий рационализм позициясида туради. Математик фанларнинг келиб чиқишига ҳаётий эҳтиёж сабаб бўлганлигини кўрсатади. Бир қатор бошқа фанлар ҳам моддий сабабларга кўра шаклланган ва юзага келганлигини исботлаб, қуйидаги гениал материалистик хулосага келди: "Илмларнинг ҳолати мана шудир. Улар инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжларнинг натижасидир, шунга кўра улар тармоқларга ажралиб кетган.

Уларга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши эса уларнинг келтирадиган манфаатларидадир” [2: 33].

Юқорида биз Беруний асарларидан фақат учтасидаги баъзи фикрлари ҳақида тўхталдик. Лекин, афсуски, алломанинг кўплаб асарлари бизгача умуман етиб келмаган. Шубҳасизки, агар буюк олимнинг салкам икки юзга яқин асарларининг ҳаммаси сақланиб қолганида, бизнинг у ҳақидаги тасаввуримиз анча чуқур ва кенг кўламли бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения / Перев.: А. Б. Халидова, Ю.Н. Завадовского. Коммент. В.Г. Эрмана, А. Б.Халидова. Т. II. Ташкент, 1963.
2. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Определение и границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами [Геодезия] / Исслед., пер. и примеч. П. Г. Булгакова; Отв. ред. А.К. Арендс. Т. III. Ташкент, 1966.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Араб тилидан таржима А. Расулов. Изоҳлар И. Абдуллаевники. Т. I. Тошкент, 1968.
4. Вайнберг Б.И. Монеты Древнего Хорезма. Москва, 1977.
5. Крачковский.И.Ю. Избранные сочинения, Т. II. Москва–Ленинград, 1957.
6. Лившиц В.А. Хорезмийский календарь и эры Древнего Хорезма / История, культура, языки народов Востока. Москва, 1970.
7. Шарипов А. Великий мыслитель. Ташкент, 1969.
8. Sachau Ed. Zur Geschichte and Chronologie von Khwarizm. Broschiert, 1873.

А. Аҳмедов

Беруний асарларини варақлаб

Ушбу мақолада буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг фундаментал асарлари, “Ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” ва “Геодезия” тўғрисида сўз юритилиб, уларда берилган муҳим деталлар, олим билган тиллар, ушбу асарларда келтирилган диний бағрикенглик ҳамда илмлар тўғрисидаги фикрлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Беруний, “Насий”, Сиёвуш ибн Кайковус, Хоразмшоҳлар, Гомер, Ҳиндистон, Кобул, Бархатекин.*

А. Ахмедов

Листая труды Беруни

Эта статья посвящена основным работам великого ученого Абу Райхана Беруни «Памятники», «Индия» и «Геодезия», основным деталям, приведенным в этих работах, языкам, которые знал ученый, а также религиозной толерантности и знаниям, содержащимся в этих работах.

Ключевые слова: *Беруни, «Наси», Сиявуш ибн Кайковус, Хорезмшахи, Гомер, Индия, Кабул, Бархатекин.*

A. Akhmedov

Reading through Biruni's Works

This article is dedicated to the major works of the great scholar Abu Rayhan Biruni titled "The Remaining Signs of Past Centuries", "India" and "Geodesy." The author examines the main aspects of these works including religious tolerance and new information as well as the languages that the scholar knew.

Keyword: *Biruni, "Nasi", Siyavush ibn Kaykavus, Khwarazmshahs, Homer, India, Kabul, Barkhategin.*

А. Атаходжаев

Абу Райҳон Берунийнинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни

Бизга маълумки, инсон онгли мавжудот сифатида ўз атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар, табиатдаги ўзгаришлар ва уларнинг ҳаёт тарзига таъсири масалалари билан қизиқиб келган. Шу маънода ўзини ўраб турган олам, ер ва коинот ўртасидаги боғлиқлик одамзотнинг азалий кузатув майдони бўлган. Хусусан, осмон жисмларининг ҳаракати қуёш, ой,